

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЙДАРОВ НОДИРЖОН СОВРИДИНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҚОРИН БЎШЛИГИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИТИШМАЛИ  
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИДА  
КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН– 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Хайдаров Нодиржон Совридинович**

Болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг битиshmали касаллигини даволаш ва профилактикасида комплекс ёндашув..... 3

**Хайдаров Нодиржон Совридинович**

Комплексный подход к лечению и профилактике спаечной болезни органов брюшной полости у детей..... 28

**Khaidarov Nodirjon Sovridinovich**

An integrated approach to the management and prevention of abdominal organ adhesions in children..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 59

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҶАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАЙДАРОВ НОДИРЖОН СОВРИДИНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ҚОРИН БЎШЛИГИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИТИШМАЛИ  
КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИДА  
КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН– 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3233 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-сахифасида ([www.bmtm.uz](http://www.bmtm.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталаида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Саттаров Жамолиддин Баҳронович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ақилов Ҳабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Нурматов Ёдгормирзо Ҳатаммираевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-йўй; Тел/факс:(+998)74-223-94-50;e-mail:[info@adti.uz](mailto:info@adti.uz), Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-йўй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мадазимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ф. Нишанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг маълумотларига кўра, корин бўшлиғи битишмалари абдоминал жарроҳлик аралашувларининг энг учрайдиган асорати бўлиб, 80% гача ҳолларда юзага келиши мумкин. Битишма ҳосил бўлишининг асосий сабаблари қорин пардаси шикастланиши, қон кетиши, инфекция ва қорин бўшлиғида ёт жисмларнинг мавжудлиги ҳисобланади. Битишмалар ичак тутилиши ва қориндаги сурункали оғриқлар каби жиддий асоратларга олиб келиши мумкин<sup>1</sup>.

Жаҳон адабиёти маълумотларига кўра, битишмаларни кесишга қаратилган операциялардан сўнг bemорларнинг 30 фоизи такрорий жарроҳлик аралашувига муҳтож бўлади, чунки патология яна қайталаниши мумкин. Битишмаларнинг шаклланишини олдини олиш мақсадида турли профилактик усуллар, жумладан амниотик мембрана ва 5-фторурацилдан фойдаланиш тавсия этилади<sup>2</sup>. Бироқ, жарроҳлар томонидан битишмалар ривожланишини камайтиришга қаратилган кўплаб саъй-ҳаракатларга қарамасдан, амалда қўлланилаётган усулларнинг ҳеч бири тўлиқ қониқарли самарани таъминлай олмаяпти.

Республикамизда олиб борилган қатор илмий тадқиқотлар шуни тасдиқламоқдаки<sup>3</sup>, тиббиёт соҳасидаги умумий ривожланиш, шунингдек, операциядан сўнгти битишмаларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган янги усулларнинг босқичма-босқич жорий этилишига қарамай, қорин бўшлиғида битишма касаллигига (БК) чалингган bemорлар сони кўп йиллар мобайнида деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Ушбу патологиянинг ижтимоий аҳамияти, хусусан, унинг кечиши билан боғлиқ юқори леталлик кўрсаткичлари ҳамда жиддий иқтисодий йўқотишлар контекстидаги янада яққол намоён бўлади.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш муҳим устуворликлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, БК билан касалланган болаларни аниқ ташхислаш ҳамда уларни жарроҳлик усули орқали даволашга оид масалалар ҳанузгача тўлиқ ҳал этилмаганлигини қайд этиш мумкин. Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, ушбу муаммога самарали ечим топиш масаласи бугунги куннинг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88-сон «Республикада соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат

<sup>1</sup>Paediatric emergency triage, assessment and treatment: care of critically-ill children. <https://www.who.int/publications/i/item/9789241510219>; Carmichael SP, Shin J, Vaughan JW, Chandra PK, Holcomb JB, Atala AJ. Regenerative Medicine Therapies for Prevention of Abdominal Adhesions: A Scoping Review. J Surg Res. 2022 Jul;275:252-264.; Ten Broek RPG, Toneman MK, van Goor H. Adhesies na een buikoperatie [Adhesions after abdominal surgery: developments in diagnosis and treatment]. Ned Tijdschr Geneesk. 2023 Jun 28;167:D7320.

<sup>2</sup> Balas S., Dora D.D., Erol T. et al. Effects of 5-fluorouracil released from different prosthetic meshes on post-operative adhesion formation in rats. North Clin Istanb. 2022 Dec 5;9(6):565-575.

<sup>3</sup> Ақилов Х.А., Ибрагимов Ж.Х. Профилактика и консервативная терапия острой спаечной кишечной непроходимости у детей// Клиническая медицина. 2019. –№3. – С. 82-85.

кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябридаги ПҚ-5254-сон «Хиургия хизматини трансформация қилиш, худудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2023 йил 08 сентябрдаги ПҚ-296-сон «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий муаллифлар томонидан олиб борилган кўплаб илмий тадқиқотлар болаларда БК ташхислаш ва даволаш муаммоларига бағищланган. Қорин бўшлиғидаги битишмалар БК ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида намоён бўлиб, улар дунё миқёсида миллионлаб инсонларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Илмий манбаларга қўра, қорин бўшлиғидаги битишмалар жарроҳлик аралашувидан кейин беморларнинг 20% дан 80% гача бўлган қисмда кузатилади (Ten Broek R.P., 2016). Бундай ҳолатларнинг 2-8% да клиник ва морфологик жиҳатдан белгиланадиган битишма касаллиги шаклланади. Ҳар йили жарроҳлик амалиётини бошидан кечирган беморларнинг тахминан 1% га яқини БК сабабли жарроҳлик шифохоналарига мурожаат қиласи. Уларнинг 50-75% да ўтқир битишмали ичак тутилиши (ЎБИТ) ривожланади, бунда ўлим ҳолатлари 13% дан 55% гача ташкил этади (Смоленцев М.М., 2015).

Етакчи клиник базалар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг, жумладан, Россия Федерациясидаги Шошилинч болалар хирургияси ва травматологияси илмий-тадқиқот институти, Швециядаги Astrid Lindgren Hospital қошидаги Department of Pediatric Surgery, АҚШдаги Boston Children's Hospital, Буюк Британиядаги John Radcliffe Hospital (Оксфорд) қошидаги болалар хирургияси бўлими ҳамда Корея Республикасидаги Catholic University of Korea қошидаги Акушерлик ва гинекология кафедрасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижаларига қўра, қорин бўшлиғида ўтказилган жарроҳлик амалиётларидан сўнг битишмалар вужудга келиш ҳолатлари 80% дан ортиқни ташкил этади. Шу билан бирга, ушбу патологик битишма жараёнларининг тахминан 50% ҳолатда ичаклар тузилишига ҳам таъсир кўрсатиши қайд этилган (Lakshminarayanan B., 2015; Miroslav S., 2024).

Битишмали жараёнларни даволашда қўлланиладиган тактик ёндашувлар турли хил бўлиб, улар кўп жиҳатдан патологик жараённинг локализацияси, обструкция даражаси ҳамда сабабчи омилнинг хусусиятига боғлиқ. Шу билан

бирга, ушбу омилларнинг болаларда намоён бўлиши ва уларни даволашга оид ёндашувлар ҳалигача етарлича тизимлаштирилмаган. Жарроҳлик аралашувини амалга ошириш вақти, ҳажми ва бажариш усулини танлаш борасидаги маълумотлар турли манбаларда турлича, баъзан эса бир-бирига зид ҳолда келтирилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, болаларда битишма касаллигини ташхислаш усулларини янада такомиллаштириш ҳамда самарали даволаш тактикаси асосларини ишлаб чиқиш соғлиқни сақлаш амалиёти учун муҳим ва долзарб вазифалардан бири сифатида намоён бўлмокда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000258 “Фарғона водийси аҳолисининг саломатлик ҳолати, атроф-муҳит ҳолати, унга таъсир этувчи хавф омилларини аниқлаш ва аҳолини турли гуруҳлари ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича донозологик чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш” илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда қорин бўшлиғи аъзолари битишма касаллигида даволаш натижаларини яхшилаш ва уни олдини олиш чора-тадбирларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

болаларда қорин бўшлиғи аъзолари битишма касаллигининг клиник кечиши хусусиятларини ва уларнинг учраш частотасини ўрганиш;

битишма касаллиги учун ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва унинг кўлланилиши асосида энг самарали ташхислаш усулини аниқлаш;

битишмага қарши дори воситаларини қўллаш орқали битишма касаллигини олдини олиш бўйича комплекс профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

болаларда битишма касаллигида даволаш тактикасини танлаш ҳамда уни оптималлаштириш;

эрта ва узок муддатли даволаш натижаларини таҳлил қилиш асосида тавсия этилган даволаш тактикаси ҳамда профилактик чораларнинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2018-2023 йиллар давомида Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида даволанган 231 нафар битишма касаллиги билан касалланган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** консерватив ва жарроҳлик даволаш босқичларида бемор боланинг соматик статуси ва ошқозон ичак тизими аъзоларининг анатомик-функционал ҳолатига комплекс баҳо беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, ультратовуш, доплерография, нур (рентгенологик, компьютер-томографик), морфогистология, эндоскопик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

## **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:**

болаларда қорин бўшлиғи аъзолари битишма касаллигига қўлланилдиган турли диагностик усулларнинг сезирлик, аниқлик ва спецификация даражасини қиёсий баҳолаш орқали, шунингдек беморларнинг умумий аҳволини ва ичаклар хаётйлиги мезонларини инобатга олган ҳолда касалликни эрта ташхислаш ҳамда оптимал даволаш усулини танлаш бўйича такомиллаштирилган тартиботнинг клиник самарадорлиги исботланган;

болаларда абдоминал битишма касаллигини олдини олиш мақсадида консерватив усулда қўлланилган вобэнзим ва лонгидаза ҳамда жарроҳлик вақтида қўлланилган мезогель баръер воситасининг самарадорлиги ва уларни қўллаш шарт-шароитларида жарроҳликдан кейинги даврнинг кечиши хусусиятлари аниқланган;

болаларда қорин бўшлиғи битишмалари шаклланишининг патогенетик механизми яллиғланиш-инфилтратия, фибробластик фаоллашув ва етилиш босқичларида кечиши билан тавсифланиши ҳамда трансформацияловчи ўсиш омили- $\beta$ 1 (TGF- $\beta$ 1) битишмаларнинг шаклланиши ва етилиши патогенезида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

болаларда битишма касаллигини замонавий усулларда даволашда видеолапароскопик адгезиолизиснинг анъанавий жарроҳлик усуллари билан қиёсий таҳлили ва клиник самарадорлиги асосида рецидивларни олдини олишга қаратилган даволаш-реабилитация тизими ишлаб чиқилган.

## **Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

видеолапароскопия усули ва битишмага қарши препаратлар "Вобэзим", "Лонгидаза", баръер "Мезогель" воситасидан фойдаланган ҳолда корин бўшлиғи битишма касаллигини жарроҳлик усулида даволаш ва профилактикаси учун самарали усул ишлаб чиқилган ҳамда клиник амалиётга жорий этилган;

видеолапароскопия ва баръер Мезогель воситасидан фойдаланиш битишма касаллигини даволаш ва олдини олишда юқори самара бериб, асоратлар ва касаллик рецидивларини камайтириш имконини берган. Шу билан бирга, беморларнинг ҳаёт сифати 8,76%га яхшиланиши ва узок муддатли даволаш натижалари 27,1%га оширишга эришилган;

БК билан касалланган болаларни жарроҳлик усулида даволаш самарадорлигини ошириш, жарроҳликдан кейинги асоратларнинг 35,9%га камайтиришга хизмат қилувчи видеолапароскопик жарроҳлик усулининг афзалликлари исботланган;

ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларида қузатилдиган тактик хатоликлар, асорат турлари ва уларнинг сабаблари таҳлили асосида БК билан касалланган болаларни даволаш ва профилактика қилиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

консерватив ва жарроҳлик усуллари самарадорлигини комплекс таҳлил қилиш натижалари реабилитация тадбирларининг оптимал дастурини шакллантириш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унинг назарий асослари,**

услубий янгиликлари ҳамда илмий талабларга мувофиқ тарзда ташкил этилганлиги билан асосланган. Бу ишончлилик, жумладан, танланган материалнинг етарли ва муносиблиги, таҳлил қилинган беморлар сонининг статистик аҳамиятга эга даражада кўплиги, қўлланилган усулларнинг замонавий ва комплекс хусусиятга эгалиги, яъни умумклиниқ, инструментал ва статистик ёндашувларнинг ўзаро уйғунликда қўлланилганлиги билан таъминланган. Шунингдек, тадқиқот натижалари халқаро ҳамда маҳаллий манбалар билан солиширилганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан расман тасдиқланганлиги ҳам натижаларнинг ишончлилигини мустаҳкамлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда битишма БКнинг клиник кечиши ва асоратлар ривожланган ҳолларда уни ташхислаш, шунингдек консерватив ҳамда жарроҳлик даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича қўшимча илмий маълумотлар тақдим этилган. Ушбу натижалар болалар жарроҳлиги соҳасида таълим олаётган талабалар, магистрлар ва клиник ординаторлар тайёргарлик жараёнида самарали фойдаланиш учун мўлжалланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти БКни эрта ташхислаш, консерватив ва самарали жарроҳлик тактикасини танлашга йўналтирилган янги алгоритмлар ишлаб чиқилган. Бу алгоритмлар касалликнинг дастлабки босқичларида уни аниқлаш ва даволаш усулини мақбул равишда белгилаш имконини берган. Шу билан бирга, клиник белгилари, қўшимча текширувлар натижалари ва БКнинг турли клиник шаклларини тизимлаштириш орқали беморга мос келувчи жарроҳлик тактикасини танлаш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Болаларда қорин бўшлиғи аъзоларининг битишма касаллигига даволаш тактикаси ва профилактикасини такомиллаштиришга қаратилган мазкур илмий тадқиқотнинг асосий натижалари бўйича:

биринчи илмий янгилик: болаларда қорин бўшлиғи аъзолари битишма касаллигига қўлланиладиган турли диагностик усулларнинг сезгирилик, аниқлик ва спецификлик даражасини қиёсий баҳолаш орқали, шунингдек беморларнинг умумий аҳволини ва ичаклар хаётйлиги мезонларини инобатга олган ҳолда касалликни эрта ташхислаш ҳамда оптимал даволаш усулини танлаш бўйича такомиллаштирилган тартиботнинг клиник самарадорлиги исботланганлиги Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.01.2025 йилдаги №2/1-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали (16.01.2025 йилдаги №38-сонли буйруқ) буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 17.07.2025 йилдаги 22/52-сонли хуносаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти: болаларда битишма касаллигини ташхислашнинг илмий асосланган самарали алгоритми ва усулларини қўллаш касалликни эрта ташхислаш, асоратлар

профилактикаси ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш орқали болалар саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим ижтимоий аҳамият касб этган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: болаларда битишма касаллигини ташхислашнинг самарали алгоритми ва далилларга асосланган усуларини жорий этиш ташхислаш босқичида сарфланадиган ётөқ кунларини (соатларни) сезиларли даражада қисқартиришга олиб келган. Хусусан, таққослаш гуруҳида ушбу кўрсаткич ўртacha  $31,08 \pm 2,30$  соатни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда  $7,01 \pm 0,44$  соатгача қисқарган. Ташхислаш жараёнидаги иқтисодий самарадорлик ҳам аниқланган: таққослаш гуруҳида бир нафар bemor учун ташхислаш харажатлари ўртacha  $589991,64$  сўмни ташкил этган ҳолда, асосий гуруҳда бу кўрсаткич  $133070,83$  сўмгача камайган. Натижада, асосий гуруҳда бир нафар bemor учун ўртacha  $456920,81$  сўм миқдорида иқтисодий тежамга эришилган. Бу эса тиббий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини ошириб, соғлиқни сақлаш тизими учун юқори иқтисодий самарадорликни таъминлаган. Хулоса: болаларда битишма касаллигининг клиник турларини тизимлаштириш, диагностик усулларнинг илмий асосланиши ҳамда самарали ташхислаш алгоритмининг амалиётда қўлланилиши касалликни эрта ташхислашни оптималлаштиришга ҳамда ташхислаш босқичида иқтисодий самарадорликни сезиларли даражада оширишга имконият яратган.

Иккинчи илмий янгилик: болаларда абдоминал битишма касаллигини олдини олиш мақсадида консерватив усулда қўлланилган вобэнзим ва лонгидаза ҳамда жарроҳлик вақтида қўлланилган мезогель барьер воситасининг самарадорлиги ва уларни қўллаш шарт-шароитларида жарроҳликдан кейинги даврнинг кечиш хусусиятлари аниқланганлиги Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.01.2025 йилдаги №2/1-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали (16.01.2025 йилдаги №38-сонли буйруқ) буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 17.07.2025 йилдаги 22/52-сонли хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти: битишма касаллиги профилактикаси воситаларининг илмий асосланган самарадорлиги ва қўллаш жиҳатларини аниқлаш, касаллик ҳамда унинг асоратларини сезиларли камайтириш орқали, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий-ижтимоий юкламаларни камайтиришда муҳим ижтимоий аҳамият касб этган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги унинг битишма касаллиги профилактикаси учун қўлланилган воситаларнинг илмий асосланган консерватив даво самарадорлигини ўртacha  $24,62\%$  га оширишида (таққослаш гуруҳидаги  $65,38 \pm 6,6\%$  дан асосий гуруҳда  $90 \pm 3,35\%$  гача), шунингдек, қайта операциялар сонини  $20\%$  га (таққослаш гуруҳидаги  $31,11\%$  дан асосий гуруҳда  $11,11\%$  гача) камайтиришида намоён бўлган. Натижада даволаш харажатлари сезиларли даражада камайган, bemorларнинг шифохонада даволаниш муддати қисқарган ва ҳар бир bemor учун давлат бюджетидан ўртacha  $1421472$  сўм маблағни тежаш имконияти яратилган. Бу эса тиббий муассасалар

ресурсларидан самарали фойдаланишни, соғлиқни сақлаш тизими миқёсида юқори иқтисодий самарадорликка эришишни таъминлаган. Хулоса: тадқиқотда аниқланган битишма касаллиги профилактикасидағи воситаларнинг илмий асосланган самарадорлиги ва уни амалиётда қўллаш касаллик рецидивлари ва қайта операциялар сонини сезиларли камайтириш орқали болалар саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ижтимоий ҳамда даволаш харажатлари ва ётиш муддатини қисқартириш ҳисобига соғлиқни сақлаш тизимида юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

учинчи илмий янгилик: болаларда қорин бўшлиғи битишмалари шакланишининг патогенетик механизми яллиғланиш-инфилтрация, фибробластик фаоллашув ва етилиш босқичларида кечиши билан тавсифланиши ҳамда трансформацияловчи ўсиш омили- $\beta$ 1 (TGF- $\beta$ 1) битишмаларнинг шакланиши ва етилиши патогенезида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги аниқланганлиги Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.01.2025 йилдаги №2/1-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тиббиёт ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали (16.01.2025 йилдаги №38-сонли буйруқ) буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 17.07.2025 йилдаги 22/52-сонли хулоаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти: ушбу илмий янгилик қорин бўшлиғи битишмалари гистопатогенези бўйича фундаментал билимларни кенгайтириш орқали клиник амалиётда уларнинг профилактикаси, эрта ташхислаш ҳамда даволаш ёндашувини такомиллаштиришга, пировардида асоратларни камайтириб, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қорин бўшлиғи битишмаларининг гистоморфологик хусусиятлари ва патогенетик ўзгаришларини чуқур тизимли ўрганиш уларнинг профилактикаси ва самарали бошқарувини такомиллаштириб, оптимал даво усулини танлаш, қайта жарроҳлик аралашувлари, ҳамда жарроҳликдан кейинги асоратларининг асосий гуруҳда таққослаш гурухи билан солиштирганда (мос равища 48,89% дан 12,96% гача) сезиларли даражада камайтиришга имкон берган. Бу ўз навбатида даволаш харажатларини ўртacha 35,93% гача қисқартириш эвазига соғлиқни сақлаш тизими учун салмоқли иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини яратган. Хулоса: қорин бўшлиғидаги битишмалар морфогистологиясининг чуқур таҳлили битишма жараёни патогенезини тушуниш, унинг хавфини баҳолаш ва индивидуал даволаш/профилактикага чораларини ишлаб чиқишига асос бўлиб хизмат қилган. Бу эса ўз навбатида жарроҳликдан кейинги асоратлар сонини ва такрорий муолажаларга эҳтиёжни сезиларли қисқартиришга имкон берган. Асоратларнинг камайиши ва даволаш самарадорлигининг ошиши орқали даволаниш харажатлари оптималлаштирилиб, муҳим иқтисодий самарадорликка эришилган.

тўртинчи илмий янгилик: болаларда битишма касаллигини замонавий усулларда даволашда видео-лапароскопик адгезиолизиснинг анъанавий жарроҳлик усуллари билан қиёсий таҳлили ва клиник самарадорлиги асосида

рецидивларни олдини олишга қаратилган ишлаб чиқилган даволаш-реабилитация тизими Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази (07.01.2025 йилдаги №2/1 -сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали (16.01.2025 йилдаги №38-сонли буйруқ) буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 17.07.2025 йилдаги 22/52-сонли хulosаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти: болаларда битишма касаллигини даволашда замонавий, кам инвазив видео-лапароскопик адгезиолизис усулининг юқори клиник самарадорлигини ҳамда рецидивларнинг олдини олишга қаратилган комплекс даволаш-реабилитация алгоритмининг илмий асосланган бўлиб, болалар амалиётида жарроҳлик ёрдами сифатини ошириш, даволаш муддатларини қисқартириш, болалар ногиронлигини камайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш орқали жамият саломатлигига муҳим ҳисса қўшган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: болалардаги битишма касаллигини замонавий видео-лапароскопик адгезиолизис усулида даволашнинг юқори клиник самарадорлиги, анъанавий жарроҳлик усулларига нисбатан афзаликлари билан биргаликда илмий асосланган. Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳда касалхонада ўтказилган ўртacha ётоқ кунлари  $11,52 \pm 0,27$  кунни ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич  $14,64 \pm 0,54$  кунни кўрсатди. Бир bemornинг бир ётоқ куни учун даволаниш харажати 455600 сўм эканлиги инобатга олинса, асосий гуруҳдаги bemornинг ўртacha умумий даволаниш харажатлари 5248512 сўмни, таққослаш гуруҳида эса 6669984 сўмни ташкил этган. Шу тариқа, видео-лапароскопик адгезиолизис усулини қўллаш натижасида ҳар бир bemor учун ўртacha 1421472 сўм иқтисодий тежамкорликка эришилганлиги эмпирик далиллар билан тасдиқланган. Хулоса: болаларда битишма касаллигини видео-лапароскопик адгезиолизис ёрдамида даволашнинг клиник ва иқтисодий самарадорлиги исботланиб, рецидивларни олдини олишга қаратилган даволаш-реабилитация алгоритми ишлаб чиқилгани касалхонада ётиш муддати ва харажатларини қисқартириб (бир bemor учун ўртacha 1421472 сўм тежамкорлик), даволаш сифатини ошириши ва болалар ҳаёт сифатини яхшилаши билан муҳим ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 8 та мақола, улардан 5 та Республика ва 3 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмидә тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти, мақсади ва вазифалари асосланган; тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган; республикадаги фан ва технологияларнинг устувор йўналишлари билан мувофиқлиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Битишма касаллигини ташхислаш ва даволашнинг замонавий тамойиллари»**га бағишиланган. Бу бобда адабиётлар таҳлили, қорин бўшлиғи аъзолари битишма касаллиги кўп қиррали муаммо бўлиб, унинг ечими жарроҳликдан кейинги профилактик чораларни кучайтириш, тўғри ташхис қўйиш ва замонавий даволаш усулларини кўллашни талаб этади. Битишмалар жараёнини тушуниш ва уларни чеклаш бўйича замонавий ёндашувлар, жумладан, ангиоген воситалар ва минимал инвазив усулларнинг ривожланиши, асоратларни камайтиришда муҳим ўрин тутади. Битишмаларга қарши замонавий ёндашувлар операциядан кейинги асоратларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган. Келажакда ушбу усулларни янада такомиллаштириш, профилактика самарадорлигини оширишга ва адгезиолизисга бўлган эҳтиёжни камайтиришга ёрдам бериши ва кейинчалик ўз ечимини талаб этувчи мунозарали масалалар ҳам баён этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари тавсифи»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда клиник материаллар таҳлил қилинган, клиник, инструментал ва статистик усуллар санаб ўтилган ва тавсифланган. Тадқиқот иши Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали клиникаси ва Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли клиникаларида 2018-2023 йиллар давомида ўтказилган бўлиб, қорин бўшлиғи ўтқир хирургик касаллклари билан даволанган 2681 нафар бемор болаларнинг даволаш натижалари ўрганилган. Шунингдек, жарроҳлик аралашувидан сўнг қорин бўшлиғида БК асоратлари ривожланган 231 нафар (8,6%) бемор текширилган ва даволаш натижалари таҳлил қилинган. Беморларнинг ёши 3 ойдан 18 ёшгача бўлиб, уларнинг 94 нафарини қиз (40,69%), 137 нафарини эса ўғил болалар (59,31%) ташкил этди.

Мазкур илмий тадқиқот иши БК билан оғриган 231 нафар беморларни ташхислаш ва даволаш натижалари таҳлилига асосланган.

Барча ўрганилган bemорлар икки гуруҳга бўлинди: **Таққослаш гуруҳи** (ТГ) – 97 нафар bemор (42%) (2018-2020 йиллар). Уларда анъанавий даволаш тактикалари қўлланилган. Агар консерватив даво самарасиз бўлса, битишмаларни кесиш ва ажратиш мақсадида шошилинич лапаротомия ўтказилган. **Асосий гуруҳ** (АГ) – 134 нафар bemор (58%) (2021-2023 йиллар). Ушбу гуруҳда даволаш ва профилактика чоралари клиникада ишлаб чиқилган алгоритм ва методология асосида амалга оширилди. Адгезиолизис анъанавий (лапаротомия) ёки видеолапароскопик усулда бажарилди. Шунингдек, БКнинг

олдини олиш учун баръер воситалари – вобэнзим, лонгидаза ва "Мезогель" битишмага қарши препаратлари қўлланди. Асосий гурухдаги 54 нафар бемордан 33 нафари (61,1%) да эрта дастурлаштирилган видеолапароскопик жарроҳлик амалиёти амалга оширилди.

Бизнинг тадқиқотимиздаги bemорлар анамнезида 1 дан 5 марта гача қорин бўшлиғига оид очиқ жарроҳлик амалиётлари ўтказилганлиги аниқланди.

Ошқозон-ичак тизими аъзоларининг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида касаллик анамнези, bemорлар шикоятлари ва объектив қўриги маълумотлари билан бир қаторда лаборатория ва инструментал текширув усуллари мажмуси қўлланилди (1-жадвал).

Умумий лаборатор текширув усуллари қўйидагиларни ўз ичига олди: қон зардобининг биокимёвий таҳлили (умумий оқсил, оқсил фракциялари – электрофорез усули орқали, сийдикчил, билирубин ва унинг фракциялари, қанд микдори, С-реактив оқсил); АлАТ ва АсАТ фаоллигини баҳолаш; а-амилаза даражасини аниқлаш; коагулограмма, сийдик ва нажас таҳлили.

### 1-жадвал

#### Тадқиқот гурухлари bemорларида БКни ташхислаш учун қўлланилган инструментал текшириш усуллари (n=231)

Текшириш усули	Текшириш усули сони	Тадқиқот гурухлари		Текширув ўтказилган вақти	
		АГ	ТГ	Жарроҳликгача	Жарроҳликдан кейин
Қорин бўшлиғи умумий рентгенографияси	304	137 (52)	94 (21)	231	73
ОИТ бўйича барий пассажи	158	92 (33)	51 (12)	113	45
Ирригография	17	11	6	-	-
Қорин бўшлиғи аъзолари УТТ	350	137 (78)	94 (41)	231	119
Ичак тутқичи томирлари доплерографияси	32	24 (8)	-	24	8
МСКТ ва КТ	37	37	-	-	-
ЭФГДС	24	24	-	-	-
Морфогистология	54	54	-	-	54
ВЛА	33	33	-	33	-
Жами:	1000	549	245	632	299

\*Изоҳ (): операциядан кейин ўтказилган

Статистик таҳлил усуллари. Маълумотлар MS Excel ва IBM SPSS дастурларида қайта ишланди. Тақсимот турига қараб, таҳлил учун  $\chi^2$  (зарурат бўлса Фишер), Стыюдент t-критерийси, Манн-Уитни U ва Уилкоксон W каби параметрик ва нопараметрик тестлар қўлланилди. Статистик аҳамиятлилик даражаси  $p<0.05$  деб белгиланди.

Диссертациянинг учинчи бобида “Болаларда битишмали касалликни ташхислаш усулларини такомиллаштириш чора-тадбирлари”нинг натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқотдаги bemорларда БКни аниқлашнинг

қиёсий жиҳатидан рақамли рентгенография, ошқозон-ичак тизими бўйлаб барий ўтиши, қорин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текшируви, МСКТ ва КТ, шунингдек, ичак тутқич қон томирларининг допплерографияси усулларининг ташхис самарадорлиги ҳисобланди (2-3-жадваллар).

## 2-жадвал

### Болаларда БКни аниқлашда комплекс нур-диагностика усулларининг ташхис самарадорлиги (n=132)

Ахборотлилик кўрсаткичлари	Рақамли рентгено-графия	ОИТ бўйича барий пассажи	Қорин бўшлиғи аъзолари УТТ	МСКТ ва КТ	Ичак тутқичи томирлари доплерографияси
Сезирлиги	65,15%	77,78%	54,55%	80,00%	40,00%
Спецификалиги	54,55%	64,44%	65,15%	83,33%	60,00%
Аниқлиги	59,85%	71,11%	59,85%	81,82%	50,00%


## 3-жадвал

### Болаларда ЎБИТни аниқлашда комплекс нур-диагностика усулларининг ташхис самарадорлиги (n=99)

Ахборотлилик кўрсаткичлари	Рақамли рентгено-графия	ОИТ бўйича барий пассажи	Қорин бўшлиғи аъзолари УТТ	МСКТ ва КТ	Ичак тутқичи томирлари доплерографияси
Сезирлиги	68,00%	81,82%	86,00%	92,31%	85,71%
Спецификалиги	63,27%	75,00%	75,51%	84,62%	85,71%
Аниқлиги	65,66%	78,26%	80,81%	88,46%	85,71%


БКнинг энг юқори кўрсаткичлари МСКТ ва КТда қайд этилди (тегишлича 83,33% ва 80,00%). ЎБИТни ташхислашда МСКТ ва КТда энг юқори аниқликни кўрсатди (тегишлича 92,31% ва 84,62%). БК ва ЎБИТда қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ (тегишлича 65,15% ва 86,00%). ОИТ бўйича барий пассажи БК ва ЎБИТ нисбатда (тегишлича 77,78% ва 81,82%). Шу билан бирга, БКни аниқлашда ичак тутқичи томирлари доплерографияси энг самарасиз бўлди (тегишлича 40,00%). Ушбу касалликларни ташхислашнинг таянч усули МСКТ бўлиб, у тегишлича 83,33% кўрсаткичларини намойиш этди. Бу усулларнинг қўлланиш кўрсаткичлари индивидуал ҳолда белгиланади, улар алоҳида ёки биргаликда қўлланилиши мумкин.

Асосий гуруҳдаги беморларда битишма жараёнининг тарқалиш даражаси 1-расмда кўрсатилган. Диаграмма таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият bemорларда (25; 75,7%) битишма жараёнининг I ва II даражалари аниқланган. Бу кўрсаткич бошқа муаллифларнинг жарроҳлик аралашувларидан кейинги битишма жараёни тарқалиши тўғрисидаги маълумотларига мос келади. Битишма жараёнининг III ва IV даражалари асосан қайталанувчи битишмали ичак тутилиши бўлган bemорларда (мувоғиқ равишда 5 ва 3 нафар bemор) ва битишма анамнези мавжуд bemорларда (4 ва 2 нафар bemор) кўпроқ учрайди. Шу билан бирга, битишма анамнези бўлмаган 2 bemорда III даражали битишма жараёни аниқланди.



**1-расм. Асосий гурухдаги беморларнинг битишима жараёнининг тарқалиш даражасига қараб тақсимланиши.**

Олинган маълумотларни умумлаштирган ҳолда, БК билан оғриган беморларнинг анамнези ва клиник намоён бўлиш хусусиятлари таҳлил қилинди. Бу эса қорин бўшлиғи битишима касаллиги ва унинг асоратларини аниқлаш, шунингдек, беморларни текшириш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиши имконини берди (2-расм).



**2-расм. Болаларда БКда ташхислаш, даволаш тактикасини танлаш ва жарроҳликдан кейинги комплекс реабилитация алгоритми.**

Диссертациянинг тўртинчи боби “Болаларда қорин бўшлиғи битишма касаллигини даволаш тактикаси танлаш, усуслари ва профилактика алгоритмлари” деб номланган бўлиб, бунда даволашнинг умумий тамойиллари, жарроҳлик даволаш усуслари, жарроҳликдан кейинги давринг кечиши ва БКни олдини олиш бўйича профилактиканинг анъанавий ва замонавий технологиялари кўриб чиқилган. Тадқиқот доирасида жами 231 нафар bemor текширилди. Шулардан 99 нафарига (42,9%) жарроҳлик аралашуви талаб этилган бўлса, 132 нафарида (57,1%) консерватив даволаш тактикаси кўлланилди.

Асосий гурӯҳдаги bemorларда комплекс даволаш билан бирга микробиологик натижаларга асосан антибактериал терапия ва инфузион даво ўтказилди. Жарроҳликдан кейин битишмаларга қарши терапия – лонгидаза (гиалуронидаза билан электрофорез) ҳам кўлланилди. Вобэнзим таркиби: панкреатин, трипсин, химотрипсин, папаин, бромелин, амилаза, липаза ва рутин. Лонгидаза: гиалуронидаза (1500 ХБ) ва ёрдамчи модда – маннитол. Унинг таъсир муддати ферментни поли-1,4-этиленпиперазин N-оксиди билан боғлаш орқали узайтирилади, бу модда антиоксидант ва иммунитетни мувофиқлаштирувчи ҳусусиятларга эга. Вобэнзим дозаси: ҳар 6 кг тана вазнига 1 таблетка, кунига 3 марта, жарроҳликдан кейинги 7-кундан бошлаб 4 ҳафта давомида кўлланилди.

БК билан консерватив қайта даволанган bemorлар динаминкаси стационар даволанишнинг тақорорий курси олган bemorлар 4-жадвалда акс эттирилган.

#### 4-жадвал

##### Тадқиқот гурӯҳларида БК билан консерватив қайта даволанган bemorлар динаминкаси (n=132)

Консерватив даволар курсинг сони	Тадқиқот гурӯҳлари			
	Асосий гурӯҳ		Таққослаш гурӯҳи	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %
1 марта	54	67,5±5,24	23	44,23±6,89
2 марта	18	22,5±4,67	11	21,15±5,66
3 марта	5	6,25±2,71	13	25±6
4 ва ундан ортиқ	3	3,75±2,12	5	9,62±4,09
P	$\chi^2 = 83,700; p = 0,000$		$\chi^2 = 12,923; p = 0,005$	
P	$\chi^2$ Пирсона = 12,865; p = 0,005			
Жами (%)	80	60,61±4,25	52	39,39±4,25
P	$\chi^2 = 5,939; p = 0,015$			

Ушбу консерватив чора-тадбирлар мажмуаси БК консерватив даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Бироқ оптимал даволаш тактикасини танлаш учун касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш ҳам зарур. Шу мақсадда «Болаларда битишмали ичак тутилишини консерватив даволаш самарадорлигини баҳолаш» номли ЭҲМ дастури ишлаб чиқилди. Ушбу дастурга 2024 йил 27 февралда №34140 UZ DGU гувоҳномаси олинди. Болаларда битишмали ичак тутилишини (касаллигига) консерватив даволаш

самарадорлигини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган ЭҲМ дастуридан фойдаланиш натижасида асосий гуруҳдаги беморларда даволаш самарадорлиги юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 65,38% ни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда 90,0% га етди, яъни самарадорлик 24,72% га ошгани қайд этилди (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Тадқиқот гурухларида болаларда битишмали ичак тутилишини консерватив даволаш самарадорлигини баҳолаш (n=132)

Кўрсаткичлар	Тадқиқот гурухлари			
	АГ (n=80)		ТГ (n=52)	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %
Яхши	72	90±3,35	34	65,38±6,6
Қониқарли	8	10±3,35	18	34,62±6,6
P	$\chi^2 = 51,200; p = 0,000$		$\chi^2 = 4,923; p = 0,027$	
P	$\chi^2$ Пирсона = 12,073; p = 0,001			

Асосий гуруҳда тавсия этилган консерватив даволаш самарадорлигини баҳолаш қиймати ўртача  $65,38\pm6,6\%$  дан  $90\pm3,35\%$  га ошди. Бунда таққослаш ва асосий гуруҳга нисбатан солиширилганда яхши –  $65,38\pm6,6\%$  дан  $90\pm3,35\%$  га ошган, қониқарли –  $34,62\pm6,6\%$  дан  $10\pm3,35\%$  га камайган.

Асосий гуруҳда 54 (54,5%) нафар бемор жарроҳлик амалиётидан ўтказилган, таққосий гуруҳда эса 45 (45,5%) нафар беморда жарроҳлик амалиёти амалга оширилган. ЎБИТ видеолапароскопия ва очиқ (анъанавий) жарроҳлик аралашувининг қиёсий натижалари 6-жадвалда келтирилган.

### 6-жадвал

#### Тадқиқот гурухидаги беморларда амалга оширилган жарроҳлик аралашувлари тавсифи n=99

Жарроҳлик аралашуви тури	АГ (n=54)		ТГ (n=45)		Жами (%)	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш	10	18,52±5,29	28 (1)	62,22±7,23	38	38,38±4,89
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда катта чарвини қисман резекцияси	0	0±0	3	6,67±3,72	3	3,03±1,72
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда қорин бўшлиғидаги абсцесс очиш ва қисман чарви резекцияси	0	0±0	1	2,22±2,2	1	1,01±1
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда илеостомани ёпиш ва илео-колоанастомоз қўйиш	1	1,85±1,83	0	0±0	1	1,01±1
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда илеостомани ёпиш ва илео-илео учма-уч анастомоз қўйиш	0	0±0	1	2,22±2,2	1	1,01±1

Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда гематома олиш ва қисман чарви резекцияси	1	1,85±1,83	0	0±0	1	1,01±1
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда ичак резекцияси ва илео-иleo учма-уч анастамоз қўйиш	3(1)	5,56±3,12	6	13,33±5,07	9	9,09±2,89
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда ичак резекцияси ва илеоасцендо-анастомоз қўйиш	4	7,41±3,56	3	6,67±3,72	7	7,07±2,58
Корин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш ҳамда ичак резекцияси ҳамда илеостома қўйиш	2	3,7±2,57	3	6,67±3,72	5	5,05±2,2
ВЛА	33(1)	61,11±6,63	0	0±0	33	33,33±4,74
P		$\chi^2 = 104,148$ ; p = 0,000		$\chi^2 = 87,067$ ; p = 0,000		$\chi^2 = 173,828$ ; p = 0,000
P		$\chi^2$ Пирсона = 49,460; p = 0,000				

\*Изоҳ () - симультант операция қўшимча бажарилган

Жарроҳлик аралашувининг энг кенг тарқалган тури қорин бўшлиғидаги битишмаларни ажратиш асосий гуруҳда 43 (79,6%) нафар беморда, таққослаш гуруҳда эса 28 (62,2%) нафар беморда бажарилган бўлиб, операция қорин бўшлиғидаги битишмаларни ва арқонсимон битишмаларни ажратиш йўли билан битишмали ичак тутилишини бартараф этишга қаратилган.

Биз кузатган асосий гуруҳдаги 54 беморнинг 33 (61,1%) нафарида ВЛА усулида амалиёт бажарилди. Лапароскопия жараёнида интраперитонеал битишма жараёнининг оғирлик даражаси В.В. Плечев ва ҳаммуаллифлари (1999) томонидан таклиф қилинган тўрт балли шкалага мувофиқ баҳоланди: 0 балл – битишмалар мавжуд эмас (0%); 1 балл – жарроҳликдан кейинги чандиқнинг учдан бир қисмидан кўп бўлмаган ҳудудда висцеропариетал битишмалар мавжуд (9 нафар бемор – 27,3%); 2 балл – жарроҳликдан кейинги чандиқнинг ярми миқдоридаги ҳудудда висцеропариетал битишмалар мавжуд (14 нафар бемор – 42,4%); 3 балл – жарроҳликдан кейинги чандиқнинг 2/3 қисмida висцеропариетал битишмалар мавжуд (6 нафар бемор – 18,2%); 4 балл – жарроҳликдан кейинги чандиқ бўйлаб ичак қовузлоқларининг деформациясига олиб келувчи массив интраперитонеал битишмалар аникланади (4 нафар бемор – 12,1%).

Жарроҳлик аралашувларининг хусусиятлари 7-жадвалда келтирилган. Асосий гуруҳда тўлиқ адгезиолизис устунлик қилди, яъни қорин бўшлиғидаги барча битишмалар бутунлай ажратилди. Бу усул 49 (90,7%) нафар беморда қўлланилди. Таққослаш гуруҳида эса жарроҳлик аралашувининг асосий тури ичакнинг айрим соҳаларидаги деформацияларни бартараф этишга қаратилган қисман адгезиолизис бўлиб, у 32 (71,1%) нафар беморга бажарилди.

## 7-жадвал

### Тадқиқот гурухларидаги беморларда үтказилған адгеолизиснинг тавсифи (n=99)

Жаррохлик аралашуви тури	Тадқиқот гурухлари				Жами	
	АГ (%)		ТГ (%)			
	abs	M±m, %	abs	M±m, %	abs	M±m, %
Тұлғык адгезиолизис	49	90,74±3,94	32	71,11±6,76	81	81,82±3,88
Қисман адгезиолизис	5	9,26±3,94	13	28,89±6,76	18	18,18±3,88
P	$\chi^2=35,852; p=0,00$		$\chi^2 = 8,022; p = 0,005$		$\chi^2 = 40,091; p=0,000$	
P	$\chi^2$ Пирсона = 6,358; p = 0,012					
Жами:	54	100±0	45	100±0	99	100±0

Асосий ва таққослаш гурухларидан әртә ҮБИТ билан оғриған беморларда қайта жаррохлик аралашуви қуийдагича тақсимланған (8-жадвал): 2 мартагача – 7,1%, 3 мартагача – 9,1%, 4 мартагача – 4,0%.

Жаррохлик аралашувининг давомийлиги битишма жараёнининг оғирлік даражасы ва жаррохлар жамоасининг маҳоратига боғлиқ бўлди. ВЛА ва лапаротомия жаррохлик усулларининг давомийлиги хронометрия орқали баҳоланди (9-жадвал).

## 8-жадвал

### Тадқиқот гурухларидаги беморларда қайта операциялар тасифи n=99

Қайта операциялар сони	Тадқиқот гурухлари			
	АГ (n=54)		ТГ (n=45)	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %
1 марта	48	88,89±4,28	31	68,89±6,9
2 марта	3	5,56±3,12	4	8,89±4,24
3 марта	2	3,7±2,57	7	15,56±5,4
4 марта	1	1,85±1,83	3	6,67±3,72
P	$\chi^2 = 117,704; p = 0,000$		$\chi^2 = 47,000; p = 0,000$	
P	$\chi^2$ Пирсона = 6,817; p = 0,078			

## 9-жадвал

### Тадқиқот гурухларидаги беморларда умумий жаррохлик аралашувининг давомийлиги тасифи (n=99)


Аралашув давомийлиги, соат	Тадқиқот гурухлари			
	АГ		ТГ	
	abs	M±m, %	abs	M±m, %
1 соатгача	29	53,7±6,79	5	11,11±4,68
1-1,5 соатгача	18	33,33±6,42	8	17,78±5,7
2-2,5 соатгача	7	12,96±4,57	19	42,22±7,36
3 соат ва ундан кўп	0	0±0	13	28,89±6,76
P	$\chi^2 = 13,444; p = 0,001$		$\chi^2 = 10,022; p = 0,018$	
P	$\chi^2$ Пирсона = 38,829; p = 0,000			
Жами:	54	100±0	45	100±0

Асосий гурухда жаррохлик аралашувининг давомийлиги қисқароқ бўлиб, минимал интраоператив қон йўқотиш билан тавсифланған. Ушбу гурухда

операция ўртача  $72,1 \pm 11,7$  дақиқаны ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида очик адгезиолизис  $98,67 \pm 5,79$  дақиқа давом этди.

54 нафар беморда ўткир битишмали ичак тутилиши ҳолатида ичак резекция қилинган қисмлари ва битишмалар морфологик жиҳатдан ўрганилди. Ичак деворидан  $0,5 \times 0,5$  см ўлчамдаги намуналар олиниб, Лилли усулига мувофиқ 10-12% формалин эритмасида ( $\text{pH } 7,2-7,4$ ) бир кун давомида фиксация қилинди. Тайёрланган 5-6 мкм қалинликдаги парафин кесмалари гематоксилин ва эозин билан бўялди. Жарроҳлик аралашуви ҳажми асосий патологик жараён хусусияти, унинг жойлашуви ва битишмаларнинг морфологик ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал равишида 54 нафар беморда таҳлил қилинди.

Турли жойларда шаклланган битишмаларни қиёсий гистологик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг микроморфологик хусусиятлари қорин бўшлигининг қайси қисмида ҳосил бўлганидан қатъи назар, умумий жиҳатдан бир хилдир. Бироқ, турли топографик-анатомик соҳалардаги битишмалар ўзига хос айрим хусусиятларга эга. Жумладан, чаноқ соҳасидаги битишмалар кучлироқ қон томир ҳосил бўлиши ва ҳужайравийлик билан тавсифланади. Бу, эҳтимол, мазкур соҳанинг қон таъминоти ва иннервацияси хусусиятлари билан боғлиқ. Қорин олдинги деворининг париетал қорин пардаси ва ички аъзолар ўртасида ҳосил бўлган битишмалар эса коллаген толаларининг зич тузилиши ва камроқ ҳужайравийлик билан ажралиб туради. Қорин бўшлиги битишмаларнинг морфологик таҳлил натижаларига асосан, асосий гуруҳдаги bemорларда аниқланган битишмалар шакли бўйича тақсимланиши 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Асосий гуруҳдаги bemорларнинг аниқланган битишмалар шаклига қараб тақсимланиши (n=54)**

Диаграммадан қўриниб турибдики, арқонсимон ва аралаш битишма шакллари барча аниқланган битишмаларнинг ярмидан қўпроқ қисмини ташкил қиласди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу битишмаларда қон томирлар мавжуд бўлиб, бу адгезиолизис усулини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу тариқа, ўтказилган гистологик таҳлил қорин бўшлиғи битишмаларининг шаклланиш босқичларида уларнинг микроморфологик хусусиятларини, хужайрадан ташқари матрикс таркиби ва тузилишини аниқлаш, шунингдек, битишма жараёни патогенезининг асосий молекуляр механизмларини ёритиши имконини берди. Олинган натижалар нафақат илмий аҳамиятга эга, балки битишма касаллигининг олдини олиш ва даволаш учун патогенетик асосланган усуллар ишлаб чиқишида муҳим манба ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқотимизда ВЛАни амалга оширишдан ташқари, жарроҳликдан кейинги қорин бўшлиғида битишмаларнинг олдини олишга қаратилган янги технологиялар ҳам қўлланилди. Жумладан: “Линтекс” компанияси томонидан ишлаб чиқилган “Мезогель” баръер дори воситасини жарроҳлик аралашуви пайтида қорин бўшлиғига юбориш; жарроҳликдан кейинги даврда қорин бўшлиғининг босқичли видеолапароскопик санациясини ўтказиш;

Вобэнзим полифермент ва Лонгидаза дори воситаларини (бемор ёшига мос дозада) қўллаш.

Асосий гуруҳдаги bemорларда қорин бўшлиғининг битишма касаллигига қарши даволаш ва профилактика қилиш ёндашуви алгоритмининг схематик кўриниши 4-расмда кўрсатилган.

Юқорида баён этилган жарроҳлик аралашуви чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу бобда болаларда битишмали жараён ривожланиш эҳтимолини жарроҳликдан сўнг баҳолаш босқичларини стандартлаштиридик.



4-расм. ЎБИТда интраоперацион ва операциядан кейинги комплекс чора-тадбирлар алгоритми

Чора-тадбирлар мажмуаси битишмалар ривожланиш эҳтимолини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Бироқ, оптимал даво

тактикасини танлашда касаллик оғирлигини баҳолаш ҳам зарур. Шу мақсадда “Болаларда қорин бўшлиғида ўтказилган жарроҳликдан сўнг битишма ривожланиш эҳтимолини баҳолаш” дастури ишлаб чиқилиб, 27.02.2024 йилда №34141 UZ DGU гувоҳномаси олинган.

Болаларда битишмали ичак тутилишини даволаш самарадорлигини баҳолаш учун ишлаб чиқилган ЭҲМ дастурининг қўлланилиши натижасида, асосий гуруҳдаги беморларда даволаш самарадорлиги таққослаш гуруҳига нисбатан юқори бўлди (90,0% ва 65,38% мос равишда). Бу эса асосий гуруҳда ушбу кўрсаткичнинг 24,62% га ошганлигини кўрсатади (10-жадвал).

#### 10-жадвал

